РАҲНАМОИНГ "УМИД" БЎЛСА

ТОШКЕНТ. Мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг хорижда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармаси ташкил этилганига бир йил бўлди. Бу орада жамғарма ҳомийлигида 157 нафар иқтидорли йигит-қиз АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Германия каби ривожланган мамлакатларда ўз билимларини оширишга имкон топдилар. Бу йил эса "Умид" жамғармаси ҳомийлигида 500 нафар ёш бакалавр ҳамда магистрлик даражасини олиш учун хорижга бориш кўзда тутилган. Айни пайтда таълим йўналишлари анча кенгайди. Хусусан, иқтисодиёт, журналистика, ҳалқаро, сиёсий ва молиявий ҳуқуқ, ҳисоблаш тармоқларини лойиҳалаштириш-компьютерлаш, физика-математика, химия, биология муҳандислиги бўйича билим олиш кўзда тутилган.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

"Хива сополи" хиссадорлик жамияти қолипловчиси Клара ОТАНИЁЗОВА.

"ЗИЛОЛА"ДАН СИБИРГА

НАВОИЙ. Қизилтепа туманидаги "Зилола" маиший-хизмат кўрсатиш корхонасида тайёрланаётган халқ истеъмоли моллари шимолликларга маъқул келиб қолди. Ўтган йили Иркутск, Красноярск, Новосибирск ҳамда читаликларга қарийб 2,5 миллион сўмлик пахтали шим ва камзуллар етказиб берилди. Корхонада янги йилда ҳам шимолликлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари кўриляпти.

Музаффар ШАРОПОВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ТАЛАБАЛАР МАВҚЕИ АНИҚЛАНМОҚДА

НУКУС. Ажиниёз номидаги давлат педагогика институтида таълим-тарбия ишлари, билим чўққиларини эгаллаш, дарсларни яхши ўзлаштиришни баҳолашнинг ўзига хос усули қўлланилмоқда. Чунончи, олийгоҳда рейтинг-мавқени аниқлаш дафтари ташкил қилинган. Ҳар бир талабанинг билимию, ўзлаштириш қобилияти, дарсларда қатнашиши каби маълумотлар ана шу дафтарда қайд қилиб борилади. Муҳими, талабаларнинг билимини синаш учун семестр сиповлари кутиб ўтирилмайди. Аксинча, уларнинг билимлари вақтида сўраб турилади ва баҳоланади. Ораликда якунловчи назоратни ана шу ишга масъул ўқитувчилар бажармоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ўзбекчилик.

ЧИҚИНДИ ЭМАС, ХОМ АШЁ

БУХОРО. Республика кўзи ожизлар жамиятига қарашли Бухоро ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида турли яхна ичимликлар солинадиган идишлар учун қопқоқ, махсус иш папкалари ва тегишли жиҳозлар тайёрланадиган цех фойдаланишга топширилди. Меҳнат биржаси томонидан 6,5 миллион сўм ажратилиши ана шундай имкониятни юзага келтирди. Муҳими шундаки, 20 киши иш билан таъминланди. Корхонада асосий ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган чиқиндилардан фойдаланишга йўл очилди. Арзон-гаровга топшириладиган бундай чиқиндилардан маҳсулотлар тайёрлаш самарали кечмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 10 январь, шанба • № 4 (22.241).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Пойтахтимизда мингдан ортиқ энг йирик мижозларга хизмат кўрсатадиган, хорижий кредитларсиз, ўз маблағларимиз ҳисобидан бунёд этилган яна бир иншоот қад ростлади. Президент Ислом Каримов 8 январь куни Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг мазкур йигирма икки қаватли янги биносини бориб кўрди.

* * *

Ватанимизда маданият, санъат ва маънавиятни юксалтириш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусиқа фестивалини ҳамда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейи тантаналарини ўтказишда алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон чиқарди.

***

Наманганда сув тўпи бўйича республика маркази очилди. Эндиликда бу ерда республика терма командасининг аъзолари ўқув машғулотларини ўтказадилар, шунингдек, халқаро мусобақаларга, жумладан, олимпия ўйинларига тайёргарлик кўрадилар.

***

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қабул қилган эди. Ушбу Қонун матбуотда эълон қилинди.

* * *

Тошкент Давлат техника дорилфунунида талабаларни айирбош қилиш халқаро уюшмасининг миллий бюроси очилди. У мамлакатимизнинг етакчи техника дорилфунунига чет эллардаги ўқув юртлари, давлат ташкилотлари, мутахассисликлар бўйича уюшмалар, техника жамиятлари ва илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтиришга имкон беради.

* * *

Маълумки, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси 1996 йилда «СОС — Ўзбекистон болалар қишлоқлари» лойиҳасини, яъни етим болалар яшайдиган, ўқийдиган ва касб кўникмалари ҳосил қиладиган ўзига хос қишлоқлар барпо этиш лойиҳасини тайёрлай бошлаган эди. Куни кеча Тошкентда ушбу лойиҳани амалга ошириш масалаларига бағишлаб республика оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

ЮКСАК МУКОФОТ

Ўтган йили Исроилнинг «Ҳамма учун» газетаси ўтказган сўров натижаларига кўра, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» мезбонлардан ҳам ўтиб, энг яхши авиакомпания, деб топилди. Кейинроқ, Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида ўтган йирик халқаро анжуманда ҳам авиаходимларимиз юк ташиш борасида донғи достон бўлган «Лютфҳанза»ни ортда қолдириб, бу борада энг яхши, деб эътироф этилди.

Ниҳоят, яна бир хушхабар! У авиация хавфсизлиги халқаро жамғармасидан келди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» «Парвозлар хавфсизлигини таъминлашдаги улкан хизматлари учун» махсус дипломига лойиқ топилди.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Январь ойининг ўрталарида Алматида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирларининг наркотик моддалар билан бизнес қилишга қарши кураш бўйича конференцияси бўлиб ўтади.

* * *

Боснияда Чехиянинг вертолёти портлаб кетди. Унинг бортида тинчликни сақловчи кучларнинг 20 ҳарбий хизматчиси бор эди.

* * *

Швеция сўл партиясининг раҳбари этиб яна Гудрун Шимон бир овоздан сайланди.

* * *

Германия ташқи ишлар вазири Исроил ҳукуматини Қуддуснинг шарқий қисмидаги Хар Хома ҳудудида жугутлар учун уй-жой қуришни тўхтатишни талаб қилди.

* * *

Ягона валютанинг жорий этилиши ва Европа Иттифоқининг шарқий Европа мамлакатлари ҳисобига кенгайтирилиши ушбу иттифоққа раислик қилаётган Буюк Британияга маъқул келди.

* * *

Нью-Йоркдаги Умумжаҳон савдо марказида рўй берган портлашнинг бош ташкилотчиси умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

* * *

Индонезия қуролли кучлари раҳбарияти мамлакат аҳолисини айни пайтда юз бериб турган молиявий инқироз туфайли ҳеч қандай хавотирланмасликка чақирди.

***

Теҳрон радиосининг хабарига кўра Эрон ва Покистон Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун биргаликда куч-ғайрат сарфлашга келишиб олишди. Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харазий ва Покистон ташқи ишлар вазирлигининг юқори мартабали вакили Ифтихор Муршид ўртасидаги музокаралар натижасида шундай келишувга эришилди.

* * *

Генерал Абдул Рашид Дўстум қўшинлари толибларнинг аскарларини Бағдис вилоятининг иккита маъмурий туманидан қувиб чиқаришди. Вилоятга чегарадош Фарёб вилоятининг Қайсар шаҳрини ҳам эгаллашди. 50 дан зиёд толиб асирликка олинди. Жангчилар 10 та танк ва 20 та юк машинасини ўлжа қилиб олишди. Дўстум бу ҳақда 7 январь куни кечқурун журналистлар билан бўлган суҳбатда айтди.

* * *

Тожикистонда милиция ходимларига қуролли ҳужум уюштирилди. Бу ҳақда «Интернет» ахборот тизимидан хабар олинди. Душанбеда ноқонуний равишда қуроллар сақланадиган омборни эгаллаш пайтида милициянинг иккита ходими яраланди. Қуролланган бир гуруҳ одамлар автоматлардан кетма-кет милиционерларга қарши ўқ узиб, ғойиб бўлишди. Ҳужум қилганларни ушлаб қолишнинг иложи бўлмади. Ахборот агентликларининг хабарларига кўра, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан милиция ходимларига қуролли ҳужум уюштириш ҳолатлари бўйича жиноий иш очилди. Тергов ҳаракатлари бошланди.

Мустақиллик қадамлари

ЮРТ ИШОНЧИ — ОЛИЙ БАХТ

Истиқлолнинг ҳар бир йили юртимизнинг порлоқ келажак сари қўйган бир қадами бўляпти. Нақадар файзли, шукуҳли, меҳнат ва яратиш, ўзликни англаш, мустақил Ватан туйғуси қалбларда жўш урган йиллар булар!

Томчида қуёш акс этганидек, «Анор» жамоа хўжалигимиз истиқлол йиллари эришган ютуқлар ҳам юртимизнинг ҳадсиз имкониятларини кўрсатиб турибди. Ҳозирда 33 гектар ерда сарҳил анорзорлар яратганмиз. 300 гектар ерда эса мева боғлари шовуллаб ётибди. Бултур биргина анорнинг ўзидан 2 минг тоннадан ортиқ ҳосил олдик. Барча тармоқлар бўйича эса 37 миллион сўм даромад қилдик. Жамоа хўжалиги қишлоқлари тўла газлашган. Хўжалик боғлари ижарачиларга бўлиб берилган. Улар ҳар ойда ўз маошларини тўлиқ оладилар. Йил якуни бўйича етиштирилган ҳосилнинг сифати ва миқдорига қараб мўмай даромад оладилар.

Олий Мажлис ўнинчи сессиясида қишлоқ хўжалигини тубдан тараққий эттириш вазифаси қўйилди. Депутат сифатида халқ ишончини оқлашни, унинг дарди, кундалик ўй-ташвишлари билан яшашни ўзимнинг олий бурчим, деб биламан. Қува туманидаги баъзи қишлоқларимизни тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси мавжуд эди. Депутат сифатида сайловчиларнинг бу борадаги наказларини бажариш учун вилоят, республика идораларига мурожаат қилдим. Масалани ижобий ҳал этишга муваффақ бўлдик. Тоза ичимлик суви келтириш учун 30 миллион сўм пул ажратилди. Ҳозирги кунда Қува шаҳри ва атроф қишлоқлар тоза ичимлик суви билан таъминланди. Марказий шифохонанинг иккинчи навбатини қуришни жадаллаштириш, Қорақум ва Шабада қишлоқларини газлаштириш борасида ҳам депутат сифатида имконим етар даражада ҳаракат қиляпман. Ўтган давр мобайнида 200 нафардан ортиқ сайловчим турли ариза, талаб ва таклифлар билан менга мурожаат этди. Бу ариза ва талабномаларда қўйилган муаммоларни ҳал этишда уларга тегишли ёрдамни кўрсатдим.

Юртбошимиз 1998 йилни — Оила йили, деб эълон қилдилар. Бу айниқса, биз аёллар, уй бекаларининг дилидаги иш бўлди. Оила фаровон, мустаҳкам экан, жамият ҳам тўкис, одилона бўлади. Бир аёл депутат сифатида бунга чин дилимдан қувондим. Бу йил фаолиятимда шу йўналишлар бўйича ишлашни биринчи ўринга қўяман. Зеро, депутат учун халқ ишончидан олий бахт йўқ.

Мастурахон САЙФУДДИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Қува туманидаги Ш. Рашидов номли «Анор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

Менда **таклиф** *бор*

БОЗОР БАТАРТИБ БЎЛСА...

Кўпинча рўзғор камкўстини бозорга бориб тўлдирамиз. Аммо бир неча бозорларга бориб харидор ўзига зарур нарсани узоқ қидиришига тўғри келяпти. Ҳатто бунга бир-икки соат вақт сарфлаб, хуноби тошяпти ҳам. Нега шундай?

Чунончи, Чорсу бозорини олайлик. Пастда кийим-кечаклар сотиладиган оқ чодирлар; улар орасида лампочка, ҳатто, нон, кабоб ёнида совун ҳам сотилаётганини кўрасиз. «Чорсу» автостанциясининг шу бозорга туташ жойида-ку ҳанузгача тартиб ўрнатилмаган.

Бундай аҳволни Тошкент шаҳрининг бошқа бозорларида ҳам учратишингиз мумкин. Таклифим шуки, худди чет эллардаги каби бизнинг бозорларимизда ҳам маҳсулотлар ва моллар аралаш-қуралаш қилинмай, турларига қараб — муайян расталарда савдо қонун-қоидаларига мослаб жойлаштирилса. Ахир, бозорни — эл кўрки, унинг фаровонлигини, ҳунармандлигини билмоқчи бўлсанг, бозорини бориб кўр, деб бежиз айтишмайди-ку. Хуллас, бозорларимизда оддий тартиб ўрнатилса...

Шарофатхон ТОШХЎЖАЕВА,
нафақачи.



ҲОВУР.

Абдулғани ЖУМА олган сурат.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИГА ОЛИБ БЕРИЛДИ

Газета таҳририятига Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Тожик қишлоғида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролардан шикоят хати келди. Унда қишлоқ аҳолиси ҳашар йўли билан ташландиқ майдонни ободонлаштириб, чойхона бунёд этишгани, аммо у кейинчалик хўжалик раҳбарининг кўрсатмасига биноан таниш-билишига арзон-гаровга сотиб юборилгани баён этилганди. Таҳририят ушбу шикоятни текшириш учун вилоят ҳокимлигига юборди. Ундан қуйидаги жавоб хати олинди.

Вилоят ҳокимлиги шикоят хатида кўтарилган масалани Китоб тумани ҳокимлиги билан биргаликда жойида ўрганиб чиқди.

Китоб тумани ҳокимининг 1997 йил 15 декабрь Х-517/12-сонли қарори билан «Зарафшон» агрофирмасига қарашли Тожик қишлоғида жойлашган чойхона биноси ва унга тегишли бўлган 374 кв. метр ер майдони «Макрид» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳисобига олиб берилди.

Чойхонадан қишлоқ аҳолисини тўлиқ фойдаланиши учун барча шарт-шароитлар яратиб бериш «Макрид» қишлоқ фуқаролар йиғинига топширилди.

Вилоят ҳокими
О. ПАРМОНОВ.

Диққат, янги рукн:

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб борамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги анкетани тўлғазиб, газета саҳифасидан қирқиб, бизга жўнатинг:

Фамилияси _____

Исми _____

Отасининг исми _____

Қачон, қаерда туғилган _____

Ҳозир қаерда яшайди _____

Узоқ умр кўришнинг сири _____
(қисқа баён этилади)

Юз ёшнинг хулосаси _____
(қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

ПАЙ — МУЛККА ЭГАЛИК ҲИССИНИ ЎЙҒОТМОҚДА, ЛЕКИН ҲАММА ЕРДАМИ?..

ёхуд Шеробод туманидаги икки жамоада қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг аҳволи хусусида

Турмушимиз фаровонлигининг дояси меҳнат эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Чинакамига тер тўкмасдан, айниқса деҳқончиликда ерга нисбатан кўр-кўрона муносабатда бўлиш ўзини-ўзи алдаш эканлиги аллақачонлар халқ иборасига айланиб кетган.

Барча яратувчиликнинг асоси меҳнатда эканлигига Нуриддин Муродов номли ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоасида бўлганимизда яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Республикамиздаги қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг пайчилик усулига ўтган 26 хўжаликнинг биттаси шу жамоа. Жамиятга деҳқончиликнинг сир-синоатини беш бармоқдай биладиган, ҳисоби бутун инсон – Шодибек Беккелдиев раислик қилади. Ҳар ҳолда у билан суҳбатдош бўлган кишида ана шундай таассурот қолади.

Ёпиқ турдаги ушбу жамиятга 2951 киши бирлашган. Уларнинг меҳнатга бўлган янгича ёндашуви туфайли 1997 йилда 1907 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37,1 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 7803 тонна пахта сотилиб, йиллик режа 104 фоизга бажарилди. Ғалладан 29,9 центнердан хирмон кўтариб тумандаги энг юқори кўрсаткичга эришди. Ўтган йилги пахта теримида аҳолига 216 миллион сўм пул тарқатилди.

Тарқатилган пул миқдори бизда "машина терими паст бўлган", деган фикр уйғотди. Унга савол берамиз:

– Қанча терим машинаси ишлатдингиз?

– Саволингиз ўринли. Ўттизта машина далага чиқарилди. Лекин қўл теримининг салмоғи каттароқ бўлди. Бу техникаларимизнинг носозлигидан эмас, балки пайчиларимизнинг хоҳиши, қолаверса талаблари боисидан юз берди. Улар ўзлари етиштирган ҳосилнинг манфаатини ўзлари кўрмоқчи бўлишди. Бир ҳисобдан улар ҳақ. Чунки жамиятнинг кўрган зарари ҳам, фойдаси ҳам ўзларининг. Фақат ялпи ҳосилнинг 1008 тоннаси машиналарда терилди.

– Бу йилги ялпи даромадчи?

– Ҳисоб-китобларимиз ҳали охиригача етмасада, тахминан айтишим мумкин. 215 миллион. Шундан 36 миллион сўм соф фойда кутилмоқда.

Суҳбат давомида жамоанинг ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятига 1996 йилда ўтганлиги, ўша йилнинг ўзида 11 миллион сўм соф фойда билан якунланиб, 1997 йил давомида шу фойданинг 5 миллиони пайчиларга тарқатилганлиги маълум бўлди.

– Қабул қилинган Низомга кўра олинган даромад жамият аъзоларининг пай улушига қўшган ҳиссасига қараб аслида икки йилдан сўнг берилиши лозим. Лекин бу қотиб қолган ақида эмас. Ахир биз инсонлармиз. Яхши-ёмон кунларимиз бор. Заруриятга қараб 1997 йил давомида пайчиларга 5 миллион сўм тарқатдик. Лозим бўлиб қолганда то жамиятимиз тўла қувватга киргунга қадар икки йилни кутиб ўтирмасдан яна ишлатаверамиз. Ахир бу чўнтагимиздаги пул-да.

Хўжаликда меҳнатга янгича муносабатнинг олдинги сафида бораётган, ҳар гектар ҳисобига 56-53 центнердан пахта етиштириб шунга яраша меҳнатидан манфаатдор бўлаётган Усмон Чориев, Аваз Жабборов, Шойдил Фозилов, Эшпўлат Каримов каби илғорлар сафи кенгайиб бораётганлигидан раис мамнун бўлди.

Афсуски бундай хўжалик туманда ягона. Шерободда бу йил ягона шу хўжалик йиллик пахта сотиш режасини бажарди. Меҳнатга муносабатнинг янги усулига ўтган ва ўрнак бўларли натижаларга эришаётган ушбу хўжалик номи Олий Мажлиснинг X сессиясидаги Президентимизнинг дастурий нутқларида ҳам қайд этиб ўтилди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида пайчилик усулида ишлашга ўтиш мақбуллигини алоҳида таъкидладилар. Афсуски, ер, сув, ҳамда иқлим шароитлари бир хил бўлган қўшни хўжаликларда бир-биридан катта фарқ қиладиган кўрсаткичларнинг гувоҳи бўлдик. Масалан, Н.Муродов номли хўжаликка ерлари туташ, суви , иқлими бир УлашТуробов номли жамоа уч-тўрт йилдан бери қолоқлик тамғасидан қутулолмаётир.

Ушбу хўжаликда 14 та-ширкатлар уюшган. 3900 гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Шундан 2113 гектарда пахта, 1720 гектарда ғалла ўстиришади. Ўтган йили пахтадан режадаги 34,6 центнер ўрнига 23 центнердан, ғалладан 36,9 ўрнига 20,6 центнердан ҳосил олинди. Йилнинг 33 миллион сўм атрофида зарар билан якунланиши кутилаяпти. 1996 йил ҳам худди шундай зарар кўрилган эди. Хўш, ушбу қолоқликнинг илдизи нимада? Ана шу саволга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

1996 йил кузида 1997 йил деҳқончилиги учун пухта замин яратилганмиди? Афсуски, йўқ. Аввало кузги шудгорлик оби-тобида ўтказилмади. Ғалла экишда уруғлик йўқлигидан режадаги мавжуд майдонларга талаб даражасидаги қалинликда дон сепилмади. Ўғит, сув ресурсларидан фойдаланишда узилишларга йўл қўйилди. Ер ҳам, деҳқон ҳам алданди. Пахта майдонларида ундан ҳам ачинарли аҳвол рўй берди. Меҳнатни ташкил этишдаги хафсаласизлик одамлар руҳиятига таъсир этди. Терим мавсумида мавжуд 25 та терим машиналаридан бирорта машина далага чиқмади. Ёки бир килограмм ҳам пахта терилмади. Дала меҳнаткашларининг ўз меҳнатларидан манфаатдорлиги қўл терими учун олган уч-тўрт сўм пули бўлмаса ноль даражани ташкил этди. Ишлашга иштиёқ сўнди.

Район ҳокимлиги хўжаликни бу аҳволдан олиб чиқиш тадбирини -раҳбарни алмаштиришда деб билди. Орадан ўтган икки ой бу ишнинг тўғри қилинганлигини кўрсатди. Хўжаликка Исмоил Мамараимов раис этиб сайланди. Раис ишни 30-35 см. чуқурликда ер ҳайдашдан бошлади. Ўз ўрнида у ҳам кадрларга нисбатан талабчанликни оширди. Талабга жавоб бермайдиганларни алмаштирди. Ишларнинг ўрнидан жилганини кўрган одамлар унинг атрофига жипслашаётганлиги сезилиб қолди. Агротехника талаблар асосида экилган ғалла майсалари кўзни қувонтириб турибди. Шудгорлаш эса тугалланди.

Хўжалик юритишдаги бош-бошдоқликнинг барча кўринишларига барҳам берила бошланди. Ҳозирги кунда ёнилғи-мойлаш ресурсларидан фойдаланиш, мавжуд 42 та фермер хўжаликлари билан ишлашдаги чалкашликларни

Далил ва таҳлил

алоҳида тўхталиб ўтганлари бежиз эмас.

– Шартнома ер берилмасдан олдин тузилмайдими?

– Гап ана шунда-да. Олдинги раҳбарнинг ҳотамтойлигидан фойдаланишган-да.

Хўжалик иқтисоди учун жон куйдираётган ана шундай кишигина жамоани қолоқлик ботқоғидан олиб чиқади, деган умид чироғи милт этгандай бўлди...

Бир вақтлардаги Шеробод довруғи ҳали кўп кишиларнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Бу ўнгирдан довруғи республикамизга таралган не-не пахтакору ғаллакорлар етишиб чиқмаган.Ушбу туман қанотлари остидан чиққан Бойсун, Ангор, Музрабод Қизириқ каби туманларнинг ҳар бири эндиликда вилоят иқтисодини елкасида кўтариб турган алп қоматли худудларга айланди. Афсуски, Шерободнинг ўзи 1997 йилда пахта тайёрлаш режасини 77,7 га, ғалла сотишни 50 фоизга бажариб юзлари шувут бўлди. Бундай аҳвол уларни кейинги 3-4 йилдан бери тарк этмай келаётир. Аммо, Шерободнинг аввалги шуҳрати тикланади, деган умид бизларни тарк этгани йўқ. Чунки, 1998 йил учун қилинаётган ҳаракатлар бундан далолат бериб турибди.

Юсуф БЕКМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан февраль ойининг ўрталарида ишчи ташрифи билан Исроилга боради. Бу ҳақда «Ассошиэйтед Пресс» матбуот агентлиги Исроил ташқи ишлар вазирлигидаги манбага таяниб хабар қилди. Гарчи, ушбу ташриф давомида тинчлик жараёнининг бориши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилиниши кўзда тутилса-да, асосий мақсад ҳали аниқланяпти.

* * *

«Экспресс» газетаси Германиядаги сиёсий партиялар сони қисқа-риб бораётганлиги ҳақида ёзади. Расмий маълумотларга кўра, барча етакчи партиялар ўзларининг кўпгина тарафдорларидан маҳрум бўлишди. Масалан, энг йирик Социал-демократик партияни 20 минг киши, Христиан-демократик партиясини 15 минг киши, «Озод Германия»ни 4 минг киши тарк этди. Замонавий сиёсат ва ҳозирги сиёсий арбоблар фаолияти уларни қондирмаяпти деган фикрлар бор.

* * *

Кариб денгизидаги Тартуга ороли аҳолиси дельфинларнинг ҳақиқий норозилик намойишига гувоҳ бўлишди, деб ёзади Буюк Британиянинг «Таймс» газетаси. Юздан зиёд жонивор ўзини қирғоққа урди. Қутқарувчиларнинг астойдил уринишларига қарамай дельфинларнинг кўпи қурбон бўлди. Ушбу ҳудудда одамлар кўпайиб, уларнинг атроф-муҳитга жиддий зарар етказаётганлиги жониворларга маъқул келмади чоғи.

ҲДП хабари

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Жиззах шаҳрида ЎзХДП шаҳар кенгашининг XVI пленуми бўлиб ўтди. «Шаҳар кенгаши ижроия бюросининг 1997 йилда амалга оширган ишлари якуни ҳамда шаҳар партия ташкилотларининг жанговарлигини янада ошириш вазифалари ҳақида»ги масала кўрилди. Жиззах шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Маматқул Иномов маъруза қилди. Маъруза юзасидан шаҳардаги партия ташкилотлари котиблари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Пленум ишида ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Илҳом Умурзоқов, шаҳар ҳокими Сарвар Худоёров иштирок этдилар.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Аён ва баён

ЮНУСОБОДДА ЧИРОҚ ЎЧДИЮ-ЁНДИ

Янги йил арафасида пойтахтимизнинг Юнусобод даҳаси аҳолиси шам қидириб қолишди. Негаки, 29 декабрь куни соат ўн иккиларда даҳани ва унинг теварак-атрофини электр қуввати билан таъминловчи «Юнусобод» подстанциясида ёнғин чиқиб, турар жойлар, корхона ва ташкилотларга электр қуввати узатиш тўхтаб қолди. Қуёш ботиши билан эса бутун даҳани қоронғулик қоплади.

Фалокат оқибатларини тугатиш учун шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан тезкор чоралар кўрилди. Республика энергетика ва электрлаштириш вазирининг ўринбосари Тўйчи Аҳмедов раҳбарлигида шаҳарни электр билан таъминлашга дахлдор бўлган барча ташкилотлар оёққа турғазилди. Уларга қандай бўлмасин 31 декабргача Юнусободни электр қуввати билан таъминлашни тиклаш вазифа қилиб қўйилди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, пойтахт нурчилари Тошкентнинг энг катта туманларидан бири Янги йил кечасида чироқсиз қолмаслиги учун астойдил тер тўкдилар. Бутун куч ва имкониятлар, маҳоратларини ишга солишиб жуда қисқа муддатда ёнғин оқибатида ишдан чиққан трансформатор ўрнига янгисини ўрнатдилар. Натижада 31 декабрь куни соат ўн бирдан йигирма дақиқа ўтганда даҳада электр таъминоти тикланди ва минглаб хонадонларга нур ва байрам кайфияти оқиб кирди. Туман электр тармоғи корхонаси бош муҳандиси Мақсуд Одиловнинг айтишича, таъминот барқарор, пухта йўлга қўйилди.

Бироқ еттинчи январь куни кечқурун даҳада яна ярим соатдан мўлроқ вақт электр таъминотида узилиш бўлди. Бунинг сабабини бош муҳандис шундай изоҳлади.

— Шу куни электр таъминотини вақтинчалик схемадан доимий тарзга ўтказдик. Шу сабабли электрни қисқа вақт узиб қўйишга тўғри келди. Бундан буён узилишларга йўл қўймаймиз. Бунинг учун барча чораларни кўряпмиз.

Хулосада шуни ҳам айтиш керакки, подстанцияда рўй берган ёнғиннинг нима сабабдан келиб чиққанлиги пухта ўрганилмоқда. Бунинг учун махсус комиссия ташкил этилган. Ёнғин чоғида одамлар нобуд бўлди, деган миш-мишлар ҳам юрибди. Бу нотўғри. Фалокат рўй берганда бирор кишига зиён-захмат етмаган.

Бобо САРОЙИ.

ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНАДИ

Хитой мудофаа вазирининг таклифига биноан Тожикистон мудофаа вазири Шерали Хайруллаевнинг ушбу мамлакатга сафари бошланди.

Беш кун давом этадиган мазкур ташриф давомида Тожикистон билан Хитой ўртасида ҳарбий-техникавий алоқаларни ривожлантириш юзасидан музокаралар бўлиб ўтади. Ташриф асносида икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техника соҳасига оид шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

ЭНГ КЎП СОТИЛГАН МАШИНА

Японияниг «Тойота-кемри» русумли автомобили 1997 йил АҚШ бозорида энг кўп сотилган автомобил сифатида биринчи ўринни эгаллади. Ўзига хос бундай мусобақада фахрли иккинчи поғона ҳам ушбу мамлакат маҳсулотига, яъни «Аккард» русумли енгил автомобилга насиб этди.

1997 йилда америкаликлар 397156 дона «Тойота-кемри» ва 384609 дона «Аккард» русумли автомобилларни харид қилган.

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ. Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

ТЎЙДАГИ ҚОТИЛЛИК

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Тўй охирлаётган пайтда кимдир:

— Ана, раисимиз келди, — деди ва ўтирганлардан уч-тўрт киши столни тозалашга тутинди: ҳамма емак ҳозирланди, шишалар саф тортди.

Раис Ҳотам Ҳамроев шу қишлоқлик тракторчи Насим Қудратов, шофёри Шукур Раҳматовлар билан дастурхонга юзланди. Шу пайт раиснинг кўнглига тўй сиғмасди чоғи тракторчини сўроққа тутди:

— Бугун неча тележка нури чиқардинг?

— Тўртта, — деди Насим Қудратов кулиб.

Шунда суҳбатга ҳайдовчи Шукур бехос бош суқди ва кесатиқ оҳангда:

— Мен Насимнинг тўрт тележка нури чиқарганига ишонмайман, у иккита чиқарган, холос, алдайди, — деди.

— Эй, мен раис билан гаплашаётганда сен нега аралашасан?!

Насимнинг энсаси қотди. Бу орада унинг укаси Қилич ҳам келиб қолди. У ҳам қўйиб берса мулланинг азонига аралашадиган Шукурга танбеҳ берди: ҳар ким ўз ишини қилсин, сен нега аралашасан?

Ўртадаги тортишув газак олди. «Қизиқ, тўй оқшомида раисга шу сўроқлар тўғримиди, нима қиларди нурини сўраб. Ахир, ҳайдовчига ҳам шунчалик эрк бериладими? Сен «аравакаш»лигингни ўйла, олдинга келтириб қўйилган ноз-неъматдан тановул қил, базмдан завқлан, чарчоғинг ёзилсин!» Қилич Қудратов шу мулоҳазалардан сўнг ўзини тинчлантирди. Аммо, Шукур танбеҳдан орланди, оддийгина тортишув учун паст бўлгиси келмади. Қишлоқ вакили Болта Ҳайитов уни юпатмоқчи бўлди, ўзи билан уни бу ердан олиб кетди. Лекин, Шукурнинг миясида Қиличдан аламини олиш хумори хуруж қиларди. У шу боис шайтонга эрк берди. Кнопкали пичоқни маҳкам ушлаганча, яна тўй томон юрди...

Ошхона атрофи қалин ўрикзор бўлиб, унга кундузи тангадек қуёш нури тушмас, кечқурун эса қоронғу. Шу ерда Қилич билан орани очиқ қилса бўлади. Кўзи қонга тўлган Шукур ўрикзорда Қиличнинг кўкрагига пичоқ санчади. Бу воқеадан хабар топган Қиличнинг укаси Насим ҳам кўкрак қафасига урилган тиг зарбидан йиқилади. У Вобкент туман марказий касалхонасида ҳаётдан кўз юмди. Қиличнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ҳамқишлоқлари жонига қасд қилган Шукур Раҳматовнинг ака-укаларга хусумати бормиди, нега у қотилликка қўл уриб, тўйни азага айлантирди? 37 ёшда умрининг қолган 20 йилини темир панжара ортида ўтказишга уни ким мажбур қилди? Буни Вобкент туманидаги Қаюм Муртазоев номли жамоа хўжалигида яшовчилар, Янгикент фуқаролар йиғинидагилар ҳам, олти нафар фарзанди билан чирқиллаб қолган Шукурнинг аёли ҳам тушунолмай гаранг. Бизнингча, Шукурда одамийлик хислатлари даръ кетгани, худбинлиги, ваҳшийлиги ўз умрига завол бўлди.

Хўш, қотилликнинг олдини олиш мумкинмиди? Ҳа, албатта. Тўйда раиснинг (ҳозирда у собиқ) механизатордан иш хусусида сўраши ўринлимиди? Ёки у тўйни ҳам мажлис, деб тушунадими? Оқсоқоллар нега жим туришди, тўйда ахлоқ-одоб, одамийлик ҳақида гапириш ҳам мумкин эдику? Ҳаммасига ўзимиз айбдор деймиз-у, аҳоли ўртасида тарбиявий тадбирларни ўтказишга вақт топмаймиз. Мажлисбозлик балосига мубтало бўлиб, фақат бир йўналишда иш олиб борамиз: режалар бажарилсин, юқоридан гап эшитмайлик! Лоқайдлик, менга нима, қабилида иш кўриш мудҳиш воқеаларга бешик бўлишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Хўжалик ва фуқаролар йиғинидаги мутасаддилар, оқсоқоллар, ҳуқуқ-тартибот ходимлари зиёлилар билан ҳамнафас бўлиб, жойларда маърифат-маънавият ишларни давр талаби даражасида йўлга қўя олсаларгина меҳр-оқибат, инсонийлик ёвузлик уруғини нишлатмайди. Шундай эмасми?

Раҳматилла ҲАМРОЕВ,
Вобкент туман прокуратураси терговчиси,
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Агар масалани — жами аҳоли пунктларида хўжалик ва маиший чиқиндиларни кечиктирмай саришталаш муаммосини —кўндаланг қўядиган бўлсак, бу борада аҳвол тезкор чоралар кўришгача жиддийлашиб қолганини кўпчилик эътироф этади. Аммо бундан ўринсиз ваҳима кўзғаш, кимларнидир ёмонотлиқ қилиш ёки бошқа пардаланган мақсад йўқ. Қўлга киритилаётган катта-кичик ютуқда ҳамма ўзини шерик деб ўйлайди. Бас, шундай бўлгач, турмушдаги жузъий камчиликлар, жумладан, яшаш ва меҳнат жойини тоза ва саришта тутишдан ҳаммамиз манфаатдормиз. Демак, ҳаммамиз бу юмушда масъулмиз. Тирикчилик ғилдираги айланиб турар экан, нимадир синиши, ишдан чиқиши, яроқсиз ҳолга келиб қолиши тайин. Ёки қозон қайнатиш учун масаллиқ саралланганда ҳам чиқитлар юзага келиши табиий. Хўш, ана шундай уйдан чиқариб ташланиши керак бўлган «мусор»нинг тақдири нима бўлади? Айниқса, ҳар қадам ҳисобда бўлган катта шаҳарларда бу масала қандай ҳал қилинмоқда?

Яқинда сафар давомида бир чоғроқ қишлоқда бўлишга тўғри келди. Янги жой экан, уйлар режа билан худди шаҳардагидек қурилган, узоқдан жуда тартибли кўринади. Аммо катта йўлдан ичкарига қайрилганимиз билан кўча четларида уюлиб кетган ахлатларга кўзимиз тушди. Маълум бўлишича, одамлар тирикчилик важидан мол асрар, унинг гўнги ҳовлига сиғмай кетар экан. «Бир қадам нарида — чексиз дала. Ўша ёққа ташисанглар бўлмайдими? Ҳам ўғит дегандек...» тарзида эътироз билдирсак, «одамлар дангаса бўлиб кетганми, шуни ҳам қилмайди. Техника ҳам доим бўлавермайди, аниғи — шу ишларга бош-қош бўладиган элпарвар одамлар ҳам йўқ ҳисоби», деб ростига кўчиб кўя қолишди.

Энди узоқ қишлоқдан, пойтахтимиз Тошкентга қайтайлик. Шаҳар кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Гўзал иморатлар қад кўтарди, янги кўчалар, хиёбонлар барпо этилди. Бозорларда саранжом-саришталик қарор топди, кўчалар тоза бўлиб қолди. Инсоф билан айтганда, бундай кўзкувонар ўзгаришлар шаҳарнинг маъмурий қисмида — катта-катта давлат идоралари, вазирликлар жойлашган марказда яққолроқ кўринади. Одамлар гавжум яшайдиган маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар атрофида эса тозалик ва басаришталик борасида жиддий муаммолар кўзга ташланади.

АҲВОЛ

Албатта, тирик одам ўз тирикчилигини қилиши керак, бироқ (дейлик) ҳамманинг бўйи тенг бўлмаганидек, фикрлаш тарзи ҳам бир хил эмас. Бу нарса, айниқса, миллионлаб одам яшайдиган улкан шаҳарларда яққолроқ кўзга ташланади. Оддий мисол: ҳар куни эрталаб ишга кетаётиб, йўл четига ёки шундоққина ариққа челаклаб ағдарилган ахлатга кўз тушганда ҳамма ҳам шаҳар тозалиги ҳақида ўз хонадоничалик қайғурмаслигига қайта-қайта имон келтирасиз ва бу борада қатъий интизом лозимлигини ҳис этасиз. Ҳар томонлама худди ана шундай ишларга сафар этилган идоралар — Коммунал хизмат вазирлиги, ободонлаштириш бошқармалари, маҳалла қўмиталари талаб қилинган даражада фаолият кўрсата олмаётгани маълум бўлиб қолади. Бунинг сабаблари эса турлича.

Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигидан берилган маълумотларни таҳлил қилиб шунга амин бўлдикки, тармоқ 1987 (!) йилда ишлаб чиқилган республикада санитария-тозалаш ишларини ривожлантириш бош схемаси асосида фаолият кўрсатаётган экан. Қаранг-а, тарихни ларзага келтирган 10 йил ўтибди, жамият ҳам, ҳаёт ҳам, аҳоли таркиби, касб-машғулоти тубдан ўзгарибди-ю турмуш билан энг яқин муносабатда бўлиши лозим вазирликнинг иш услуби эскича қолаверибди. Гапнинг «индаллоси» шундай бўлгач, бу ёғини кўраверинг: республика бўйича 113 шаҳар, 99 шаҳарча ва туман марказларида чиқиндиларни махсус машиналар ёрдамда четга ташиб чиқариб кетиш ташкил қилинган, аммо биронта ҳам замонавий талабларга тўла жавоб берадиган чиқиндихона ёки чиқиндиларни қайта ишлайдиган завод йўқ. Балки сиз «чиқиндихонанинг ҳам замонавийси бўлади-ми?» деб ажабланарсиз. Бу даъвоингизга бир далилни қарши қўйинг: халқаро меъёрларда сутка давомида одам бошига 1,2—2 кг. чиқинди юзага келиши эътироф этилган. Энди сиз бу миқдорни ўн, юз, миллионга кўпайтиринг. Кейин эса ўша кераксиз матоҳ қандай бартараф этилишини кўз олдингизга келтиринг. Шунда фақат замонавий чиқиндихона эмас, замонавий қайта ишлаш саноати лозимлиги аниқ бўлиб қолади.

Тошкент шаҳридаги манзарани таҳлил қилайлик. Ободонлаштириш бош бошқармасининг маълумотларига қараганда, шаҳарда бир суткада ҳар хил (турар жойларда ҳосил бўладиган, ишлаб чиқариш ва қурилиш чиқиндилари, шох-шабба, хазон ва кўча супуриндилари) турда жами 4 минг 200 тонна «мусор» ҳосил бўлади. Бунча ҳажмли юкни мослаштирилган ўраларга ташиб кетиш учун 900 дона чиқинди ташувчи транспорт талаб қилинади. Аҳволни тўлароқ тасаввур этиш учун бундай юмушга ишқибоз савобталаб одамлар кўп ҳам учрайвермаслигини, транспортнинг нечоғлик талабга жавоб беришини, чиқиндихоналар йўл-шароити, электр, сув таъминоти, меҳнат қилиш имко-

ФАЙЗ-БАРАКА—

(Биринчи мақола)

1 2

ПЛАСТМАССАЛИ ЙЎЛ

Финландия йўл қурувчилари қайта ишланган пластмасса қолдиқларидан йўлларни асфальтлашда фойдалана бошлади. Кузатувлар натижасида аниқланишича, таркибида пластмасса бўлган асфальт иссиққа ҳам, совуққа ҳам оддий асфальтга нисбатан анча чидамли экан.

Шу кунга қадар мамлакатнинг Лаука шаҳри яқинидаги 40 километрли йўлга ана шундай асфальт тўшалди.

ЁНИЛҒИ САРФИ КАМАЯДИ

Швейцария — Европанинг гултожи, деб бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, бу мамлакат ўзининг сўлим табиати билан бутун оламга довруг таратган. Шу сабаб ҳам швейцарияликлар табиатга ғоят эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишади. Ҳукумат яқинда қабул қилган қарорга биноан, автомобилларнинг ёнилғи сарфлаши йил сайин қисқариб бориши керак. 2001 йилга келиб енгил машиналарнинг ёнилғи сарфлаши 100 километр масофага 7,6 литрга қадар пасайиши лозим. Айни пайтда Швейцария кўчаларида юрган енгил автомобиллар учун 100 километр масофага 8,95 литр ёнилғи сарфланиши меъёр тарзида белгилаб қўйилган.

Япония бинокорлиги. В. ПАНОВ олган сурат.

НОСОЗ ЙЎЛ ЧЎНТАККА ЗАРАР

Носоз йўл нафақат автомобилни ишдан чиқаради, балки, киши асабига ҳам ёмон таъсир қилади. Америкаликлар носоз йўллар туфайли бузилган машиналари учун йилига 4,77 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфлар экан.

АҚШ йўл хизмати автотрассаларни таъмирлаш учун йилига 1,3 миллиард доллар сарфлайди. Бу кўрсаткич эса носоз йўл туфайли ишдан чиққан автомобиллар учун сарфланадиган маблағдан тўрт баравар оз. Американинг 38 штатида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига қараганда, энг серқатнов йўлларнинг тўртдан бир қисми шошилинч таъмирга муҳтож.

БОСҚИНЧИЛИКНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Исроил ҳукумати Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги яҳудийларнинг янги манзилгоҳида 200 та уй қуриш режасини тасдиқлади. Ушбу қурилиш АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Фаластин Мухторияти ҳудудида яҳудийлар учун уй-жой қуришни тўхтатиш ҳақидаги талабларига қарамай бошлаб юборилиадиган бўлди. Бу иш Хельсинкидаги тинчлик шартномалари шартларига тўғри келмаса ҳам давом эттириляпти. Ҳатто америкалик тинчлик посбонларидан бири Деннис Росснинг Исроилга ташрифи давомида ҳам Беньямин Нетаньяху яҳудийлар учун уй-жойлар қурилишини тўхтатмаслигини баён қилди. Исроил ҳукумати Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида қурилиши режалаштирилаётган уйларнинг сонини аниқ айтишдан бош тортди. Бироқ, «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги мухбирлари ушбу ҳудуддаги 144 та яҳудийлар яшайдиган мавзеларнинг 65 тасида бўлиб, 7500 та уй қурилганини аниқлашди. Айни пайтда бу ерда 30 минг киши яшамоқда. Шундай қилиб, ғарбий қирғоқдаги яҳудийлар сони 20 фоизга ортганлиги маълум бўлди.

ҚОҒОЗ КЎЙЛАКЛАР: АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

Янги мода қаердан пайдо бўлади? Айтайлик, бу йил одамларнинг диди, қайси рангни кўпроқ хоҳлашини ким кузатиб боради? Албатта, модалар уйи, дейишимиз табиий. Аслида модаям Ньютон бутун олам тортишиш қонунини қандай кашф этган бўлса, шундай тасодифан пайдо бўлишиям мумкин экан.

Ньютон боғда бошига тап этиб олма тушганда «олма нега ерга тушди?» дея ўйланиб, оламшумул кашфиётни очганди. Немис дизайнери Эрленс Рахштай рок-концертга кириш учун гардеробида ўзига кўйлак танлай туриб, ҳеч бири дидига мос тушмайди. Дўконга чиқиб арзонгина кўйлак харид қилади. Лекин кўйлак икки марта ювилгандан сўнг кир машинасидан «сог» чиқмади, чок-чокидан сўкилиб кетади.

Эрленс ўйланиб қолади: «янги кўйлак сотиб олишга тўғри келади». Шундан ногоҳон хаёлига «арзон», «бир марталик» кўйлак яратиш ҳақидаги фикр пайдо бўлади. Ва шу тариқа «модалар олами»га кириб келганини ўзиям сезмай қолганди. Орадан икки йил ўтгач Рахштай компанияси ўзининг илк маҳсулотларини — очиқ рангдаги мини-юбкаларни ишлаб чиқарди. Сўнгра бахмал-

Модалар олами

дан «тантана» кўйлаклари сотувга чиқди. Сотувда кўйлаклар тала-тала бўлиб кетди. Сабаби — арзонлигида. Бир кийгулик кўйлаклар тезда «жаҳон бозори»га чиқди. Машҳур бўлиб кетди.

— Энг сўнгги модадаги бу кўйлаклар деярли растада турмайди, — дейди Римдаги дўконлардан бирининг хўжайини Луижи Понте. — Ҳатто тугмаларим қоғоздан, баҳоси-чи, сув текин — икки доллар! Бу аҳчага 2 та пайпоқ бермайди-ку?!

Харидорлар мамнун. Айниқса, аёллар. Чунки жомошов деган муаммо ўз-ўзидан барҳам топади-да. Кўйлакни эгнингиздаёқ совунлаб ювсангиз «эриб» кетади. Лекин ташвиш чекманг, ёмғирда ёки сув тегса ҳеч ўзгармайди. Фақат кўпикли сувгина уни «ювиб» тушади. Бу кўйлак ҳаммага ҳам қўл келади. Чунки арзон, модадан қолса истаган пайтда ечиб отасиз-қўясиз. Агар совунниям иқтисод қиламан десангиз. Айниқса, совун тақчиллигида ундан ҳам асқотишини ҳам айтиб ўтиш керак. Учқур «мода» кетидан қувганларга ҳам кони фойда, чўнтакка иқтисод, кўнгилга эса «мода», «супер мода» билан ҳамқадамлик хуш ёқади-да.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

нияти нечоғлик эканини кўз олдингизга келтирсангиз, масалани ечиш учун фақат моддий воситалар эмас, маънавий омиллар ҳам кучли бўлиши лозимлиги аниқ бўлиб қолади. Ҳозирча эса юк машиналари етишмай турибди. Шаҳар санитар тозалаш автокорхоналари ҳисобида 604 дона (талаб этилганидан 296 та кам) машина бор. Уларнинг ҳам 150 донаси хизмат муддатини ўтаб бўлган ва техник жиҳатдан ҳисобдан чиқариш ҳолига келиб қолган. Шундай қилиб, ҳар куни Тошкент шаҳар кўчаларига 405—410 машина чиқарилади. Бундай сафарбарлик билан мақсадга 50 фоизгача эришиш мумкин. Қолган чиқинди нима бўлади? Бу ҳақда ободонлаштириш бошқармаси маълумотида шундай дейилади: «...бошқа корхона ва ташкилотлардан жалб қилинган транспорт воситалари ёрдамида олиб кетилади ёки шаҳар ҳудудида уюлиб қолаверади. Кўпинча аҳоли томонидан ёқилади, чуқурлик, канал, ариқ қирғоқларга чиқариб ташланади. Бу эса ўз навбатида шаҳар ҳу-

ТОЗАЛИКДА

дудини антисанитар ҳолатга келишига сабаб бўлмоқда».

Жуда тўғри эътироф! Айни пайтда кўплаб ариқлар чиқиндилар билан қумилиб кетди, анҳор, сой бўйларига ахлат ағдариш ҳеч кимни безовта қилмай қўйди. Оқибатда, сув ва ҳаво ифлосланиб, турли касалликлар кўпаяётгани кузатилмоқда...

Имконият даражасида аҳоли пунктларидан ташқарига ташиб кетилган чиқиндилар ҳам ўзига яраша муомала талаб қилади, негаки, у ўз номи билан — «чиқинди» таркибида саломатликка, тозаликка жиддий путур етказадиган ашёлар бўлиши табиий. Жаҳон тажрибасида улар тўрт турга ажратилади ва ҳар бири алоҳида жиҳозланган чиқиндихоналарда зарарсизлантирилади, яъни хўжалик-маиший, қурилиш ва инерт, ўта заҳарли-токсик, радиоактив-нурланувчи чиқиндилар билан ишлайдиган махсус мутахассислар, соҳалар юзага келган. Биз учун бундай муносабат ҳозирча эртакка ўхшайди, бор гап эса турар жойлардан чиққан ахлат уюм ҳолида машинага юкланади-да, тўғри келган жойга (кўздан пана бўлса етарли) олиб бориб ағдарилади. Бундай муносабатни нима деб аташни билма-

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

дим-у, бироқ ўша ифлослик шамол, ёмғир воситасида яна жойига қайтиб келишини тушуниб етиш қийин эмас.

Қарийб чорак миллион аҳолиси бор Қарши шаҳридан чиқиндилар Қўнғиртов деган жойга ташилади. Ҳолбуки, кўпинча шамол шу томондан эсади, яна бу ер шаҳар юзасидан анча баландда. Тошкент шаҳридан тўпланаётган чиқиндилар учта жойдаги ўрага олиб бориб кўмилар экан. Шулардан Оҳангарон тумани ҳудудидаги 50 гектар майдонни ташкил этувчи чиқиндихонани кенгайтириш имкони бор экан. Зангиота туманидаги ва Ҳасанбой қишлоғи яқинидаги чиқиндихоналар аҳоли истиқомат жойларига яқинлиги туфайли ёпилиши лозим бўлиб турибди. Ободонлаштириш бошқармаси мутасаддилари қайд этилган чиқиндихоналарнинг биронтаси ҳозирги замон санитар қоидаларига ва талабларига жавоб бермаслигини таассуф билан қайд этадилар. Бундай ҳол фақат Тошкент шаҳри учун хос эмас, балки республика бўйича аҳвол бир хилда. Жами 945 гектар майдонни ташкил этувчи 73 чиқиндихонанинг биронтаси лойиҳа асосида, барча талабларга жавоб берадиган даражада қурилмаган.

Соҳанинг моддий-техника базаси жиддий кўмакка муҳтож бўлиб қолган. Вазирликнинг маълумотномасида кейинги беш йилда деярли янги машиналар олинмагани кўрсатилган. Шунга муносиб равишда вазирликда чиқинди ташийдиган машиналар билан таъминланиш 61 фоизни, зарарсизлантирувчи механизмлар — 67,5, ювувчи ускуналар — 46,1, металлом ташишга мўлжалланган махсус машиналар миқдори талабга нисбатан 13,5 фоизни ташкил этади.

Маълумки, бу соҳа ҳар куни муттасил ишлашни тақозо этади, бунинг учун эса барча ўринларда одамлар узлуксиз фаолият кўрсатиши лозим. Бироқ меҳнат шароитларининг талабга жавоб бермаслиги, рағбатлантириш ва зарур имтиёзларнинг камлиги туфайли иш ўринлар кўпинча бўш туради, одамлар касбини ўзгартириб кетаяпти. Тошкент шаҳрининг ўзида 85 ҳайдовчи, 315 чиқинди юкловчи, 65 чилангар ходимлар ўрни бўш.

Эҳтимол, мавжуд аҳволга ҳаққоний кўз билан қараш баъзан нохуш кайфият уйғотиши мумкин. Аммо бор гапни очиқ айтиб, вазиятни ўнглаш учун чоралар кўришдан ўзга йўл йўқ. Негаки, атроф-теваракда, юрган йўлингда, кўзинг нохуш манзараларга тушаверса, дилинг хуфтон бўлиб, ҳеч нарса татимайди. Бу масаланинг ташқи томони фақат.

Биз муаммони ўрганиш жараёнида мутасадди ташкилотларнинг кўплаб мутахассислари билан фикрлашдик. Имкониятларни чамалаб чиқдик. Кузатишларимиз бир нарсани тасдиқлайдики, шаҳар ва қишлоқларнинг аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларида ҳавас қилса арзийдиган саранжом-сарištaликка эришиш эпласа бўладиган иш. Бу ҳақда мақоламизнинг давомида фикр юритамиз.

Ҳаким САТТОРИЙ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 12

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 1—2-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қуддус Муҳаммадий».
8.50 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 13-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Арча атрофида». Алишер Навоий номли театрда Арча байрами.
10.10 «Кино янгиликлари».
10.25 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.45 «Кетмас давлат берсин».
11.10 «Ой камалаги». Бадиий фильм.
12.35 Дзюдо бўйича Ўзбекистон кубоги.
13.00—14.00 Эстрада калейдоскопи.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Сеҳрли най». Мульт-фильм.
18.20 «Тинчлик йўлида ҳамкорлик».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Дунё адабиёти».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистон ва жаҳон».
21.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 14-қисм.
22.05 «Ҳамма кўриши шарт...эмас».
23.10 Тавфиқ ал-Ҳаким. «Ғаройиб оқшом». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театри спектаклининг премьераси.
00.20 «Ахборот».
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи» (рус тилида).
18.20 «Ёрилтош». Мульт-туплам.
18.45 «Табиат дунёси».
19.05 «Камолот». Ёшлар учун дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Туризм ҳақида».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.45 «Бешинчи ўлчов».
22.05 «Бурч ва масъулият».
22.20 «Дилдаги гаплар».
23.05 «Даракчи» (рус тилида).
23.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.35 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
00.25—00.30 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Зорро». Мультфильм. 8-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.20—21.35

*

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Минэ». Бадиий фильм.
23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.05 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.45 «Умр баҳори».
20.00 «Мусиқали танаффус».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Намастэ».
20.45 «Кўшиқ умри пойиндор».
21.10 Кинематограф. «Аёл портрети».
22.40 «Ғўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.00 «Спорт-тайм».
23.30 «Инспектор Фрост». Телесериал.
00.20—00.30 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 13

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 3—4-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Биржа ва банк хабарлари.
8.55 Лирик тароналар.
9.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 14-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зоология.
11.00 География.

*

11.30 «Рақс, рақс, рақс».
11.50 «Соғлом авлод учун».
12.05 «Олам ва одам».
12.25 «Фунтик ва мўйлабли кампирчо». Мультфильм.
12.35 «Камолот сари».
12.50—14.00 Тавфиқ ал Ҳаким. «Ғаройиб оқшом». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бўғдойзордаги уйча», «Ғаройиб ов». Мультфильмлар.
18.30 «Қиймат ва қиммат».
18.50 «Чорраҳа».
19.15 «Она булақолгин менга табиат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.45, 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Зиё сарчашмаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
22.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 15-қисм.
22.50 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Фарғона вилояти.
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульт-туплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.00 «Услуб».
19.15 Мусиқий йўлка.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт кўшиқ».
20.05 «Болливудга нигоҳ».
20.30 «Ахборот».
21.00 Эгиз қўшиқлар.
21.25 «Спорт қитъаси».
21.55 «Даракчи».
22.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 «Кинонигоҳ».
24.00—00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Зорро». Мультфильм. 9-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30—9.00

* * *

18.20—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Рейгтайм». Бадиий фильм. 1-серия (АҚШ).
23.50 «Шаҳрисабз». Манзарали фильм.
00.10—00.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.45 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Ўйингоҳ».
20.50 Мусиқий дақиқалар.
20.55 «Очиқ дарс».
21.15 «Телефакт».
21.25 «Хит-коллекция».
21.50 «Кувноқ кино».
23.30 «Дурдаршан».
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 14

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 5—6-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Фарғона вилояти.
9.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 15-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Тиббиёт.
11.00 Янги алифбони урганамиз.

*

11.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳарбий марш садолари».
11.50 «Бармоқлар сеҳри».
12.10 «Хотира». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шокиржон Эргашев.
12.40—14.00 «Бор экан-да, йўқ экан...» Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кўзгу». Ўсмирлар учун телеойнома.
18.45 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур».
18.50 Эстрада хонандалари куйлайди. Ўрсанд Шеров ва Малика Раҳимбердиева.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мулк ва муносабат».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида».
21.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 16-қисм.
22.10 Ватан ҳимоячилари кунига. «Ватанимга хизмат қиламан».
22.50 Мусиқали драмалардан ария ва дуэтлар.
23.25 «Ахборот».
23.50—23.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульт-туплам.
18.35 «Табиат дунёси».
19.10 «Жозиба».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сўз ҳақида сўз».
20.05 «Кўзгу».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Байрам тароналари».
21.20 «Ҳудуд».
21.50 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.35 «Даракчи» (рус тилида).
22.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 Видео—«О».
00.30—00.35 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.00 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Рейгтайм». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.25 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.45 «Дунё ва болалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Автосалтанат».
20.20 «Оҳанглар оғушида».
20.35 «Ҳаёт карвони».
20.55 «Нафосат гулшани».
21.30 Кинематограф. «Кўпик».
22.50 «Бу ажиб дунё».
23.05 «Инспектор Фрост». Телесериал.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 15

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 7—8-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳала-рида».
9.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 16-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Дутор ва танбур тароналари.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Алифбо сабоқлари.

*

11.30 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.00 «Кенжатойдан қўрқ, эй ғаним». Бадиий фильм.
13.05 — 14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.25 «Санация имтиёз эмас».
18.45 «Ғазалхон ёшлигим».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.20, 23.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тийра дилимнинг равшани». Мусиқий кўрсатув.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 17-қисм.
22.25 «Чироғи ёруғ уй». Телетанлов.
23.05 «Ахборот».
Ёшларнинг «Сомон йўли» тунги дастури:
23.30 «Ойдин кечалар».
00.10 «Қизикчи—97».
00.30 «Севгим, севгилим».
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Мультипанорама».
9.20 «Сувости дунёсига саёҳат».
9.45 «Синфдош».
10.05 «Жараён».
10.25 «Даллас». Телесериал.
11.15 «Қалб таронаси».
11.40 Видео — «О».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-куралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Билиб қўйган яхши».
19.05 Дилрабо садолари.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.30 «Мутойиба».
21.50 «Даракчи».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 Кино жавонидан.
24.00 — 00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.00 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Бахтли болалик».

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Кўшиқ-97». 1-қисм.
23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.50 «02» тўлқинида.
20.05 «Ракурс».
20.35 «Эллада». «Тошкент — Афина» телекўприги.
21.00 «Каталог-шоу».
21.40 «Мусиқий Олимп».
22.05 «Киносалон».
23.35 «Интерспорт».
23.55 «Минг бир маслаҳат».
00.10 «Дурдаршан».
00.40 — 00.50 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 16

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 9—10-сериялар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Тийра дилимнинг равшани». Мусиқий кўрсатув.
9.00 «Юзма-юз».
9.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 17-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Мусиқий композиция.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.

*

11.30 «Остонаси тиллодан».
11.50 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». «Малика ва шаҳзода».
12.25 «Меҳр макони».
12.45 «Велосипед қочиб кетди». Мультфильм.
12.55 — 14.00 «Сайқал». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Баҳодирлар бутқаси». Мультфильм.
18.20 «Қалб гавҳари». Адабий-маърифий кўрсатув.
18.40 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.00 «Истеъдод».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15, 23.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акция ва акциядор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 18-қисм.
22.20 «Қўшиқ билан кураман оламни».
22.45 «Ахборот».
«Мунаввар дунё».
Дам олиш дастури:
23.15 «Олам».
23.35 «Маҳзун чечак». Бадиий фильм.
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Аралаш-куралаш». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Билиб қўйган яхши».
9.50 Дилрабо садолар.
10.10 «Дубляж».
10.25 «Сир».
10.40 «Мутойиба».
11.00 Кино жавонидан.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экану йўқ экан...».
18.35 «Катта танаффус».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.10 «Тарозу».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маслаҳат».
21.20 «Мусиқа ва рақс».
21.40 «Яхши дам олинг».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
23.05 «Бокс, бокс, бокс».
23.35 «Хум». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
00.05 — 00.10 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.00 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Кўшиқ-97». 2-қисм.
23.35 — 23.55 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Мульттомоша».
19.00, 21.35 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.50 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.05 «Яна кўшиқ...»
20.15 «Монолог».
20.25 «Наволарда аён этсам...».
20.45 «Таниш ва номаълум».
21.05 Араб эстрадаси.
21.40 Кинематограф. «Қоҳиранинг қирмизи атиргули».
23.00 «Йиллар ортидаги йўллар».
23.20 «Инспектор Фрост». Телесериал.
00.10 — 00.20 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 17

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 11—12-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!», Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бустони». Телеальманах.
9.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 18-қисм.
9.45 «Шоҳрўҳ» клуби.
10.05 «Ёзувчи ва замон».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.35 «Идрок».
10.55 «Йигит омон бўлса».
11.35 «Туркий уруғлар». Жалойир.
11.50 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».
12.20 «Зиёрат».
12.30 «Шаҳар таронаси». Бадиий фильм.
14.05 — 14.55 «Маънавият». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кўшиғим, жон кўшиғим».
18.35 «Шеър ва шуур».
18.45 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.15 «Жаҳон спорти».
19.25, 20.25, 20.55, 22.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 19-қисм.
22.10 «Янги йил базми». 1-қисм.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
22.55 «Ҳазил».
23.05 «Каролина Лэм хоним». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.05 «Мунажжим башорати».
00.10 — 00.15 Тунги пойтахт тароناси.

II

9.00 «Бор экану йўқ экан...».
9.20 «Катта танаффус».
9.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.10 «Тақдим».
10.25 «Тарозу».
10.45 «Маслаҳат».
11.00 «Мусиқа ва рақс».
11.20 «Яхши дам олинг».
11.40 «Бокс, бокс, бокс».
12.10 «Хум». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Таянч».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «ТВ ва театр».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 «Хонадонингизга осо-йишталик тилаймиз».
22.50 «Интер-футбол».
23.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.25 Видео—«О».
00.50 — 00.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.50 — 00.05

*

00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.40 «Қаҳрамон Дадаев». Фильм-концерт.

IV

10.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
10.45 «Рақслар қанотида».
11.15 Эълонлар.
11.20 «Ассалом, Франция!».
11.45 «Шанба эртаги».
13.15 — 13.45 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз». («Америкага бир назар» курсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45

Ғазалхонлик

БИР ВИСОЛ ВАСЛИ УЧУН КЕЧДИМ ҲАТТО ЖАННАТДАН

* * *

Висол тонги отарми деб, тўлиб кетди юрак қонга,
Отмас эркан муборак тонг, жабр қилдим нечун жонга?

Тўлғанадур отмас тонглар, тўлғанадур ботмас кунлар.
Бахти қаро бундай кунлар бахт тилайман ул жононга.

Оттан тонглар, боттан кунлар еб битирди тану жонни,
Қонга тўлган кезлар юрак сиғмай қолгум кенг жаҳонга.

Келарму деб ҳар тонг, ҳар кеч ўчирмадим ишқ шамини,
Ошиқ киби йиғласа шам тўлиб кетар тонг фиғонга.

Тонгим ҳижрон, туним ҳасрат, чекканларим бўлди фарёд,
Кўзлар бўлгач йўлида тўрт, ҳамдард эрур тун афғонга.

Хун сўрайди савдои ишқ, хун оларга хунхор топмам,
Телба ўзим, хунхор ўзим, чора йўқдур бу ҳижронга.

Кўринмагай кўзга дунё, Усмон киби ёлғиз Ўктам,
Ҳурлик топмай ишқ юртидан бегонаман бу маконга.

* * *

Ишқ ҳасратин кима дейин, куюб битдим бу фиғондан,
Менинг киби сўлган йўқдур, чекиб фарёд бу афғондан.

Бу фиғону бу афғонлар адоқ билмас эркан ёрон,
Қон йиғлабон толеимга кечиб кеттум бу жаҳондан.

Ёниб ётар юрак ўтда бир париваш хотири-ла,
Бу хотирнинг аламлари хун сўрайди ул жондондан.

Номим демас, ҳолим демас ул қандайин ситамгардур?
Қонларимга ташна этиб тўйдирадур бугун жондан.

Мен бир томон, бани одам бир томондур ишқ бобида,
Мендан кечса одамизод мен кечмасман бу ҳижрондан.

Фаноимни бой берсам гар, бой бермасман бақоимни,
Ишқким, бақо эрса агар кеча билмам бу сарсондан.

Сиғмай қолди бу дунёга, ёриб ташлар ўзин Ўктам,
Ўктам янглиғ кеттум энди аламзада бу макондан.

* * *

Тожу тахтдан не нафдур ёнингда ёр ўлмаса,
Сенга зорлар ўлсаю ёр сенга зор ўлмаса.

Сен унга зор ўлсангу зорлик тўйдирса жондан,
Жондан тўйган ошиққа хумори дор ўлмаса.

Бир тараҳҳум айламай чектирсаким ҳасратлар,
Бу ҳасратни демакка интизор тор ўлмаса.

Ору номус талабин менга қўймагил ё раб,
Нетгум ахир маъшуқда номуси ор ўлмаса.

Бир висол васли учун кечдим ҳатто жаннатдан,
Жаннатидан не нафдур тожга хумор ўлмаса.

Тожу тахтдан кечсаму кечсам маю ишратдан,
Нетгум энди гулшанин унга бемор ўлмаса.

Ишқ бобида эй Ўктам, увол ўлдинким, увол,
Йиғламакдан не нафдур ошиқ дилдор ўлмаса.

Ў. ҲАКИМАЛИ.

ПОЭЗИЯ — ЭНГ ГЎЗАЛ НАФРАТ

У таъриф-тавсифга муҳтож эмас. Ленгстон Хьюз ҳақида асримизнинг буюк инсонлари айтган фикрларини ҳам бир ёққа қўйиб, унинг бир кунда Америкага танилиб қолишининг ўзи кифоя. Узоқ йиллар қилинган машқ ва уринишлардан кейин эмас, бир куннинг ўзида, яъни кундуз учта шеър ёзади, шу тун газетада ёритилади, эрталаб бутун Америкага машҳур бўлиб уйғонади.

Лекин унинг бу шеърларида узоқ йилларнинг узоқ машаққатлари, узун қийноқлари ярқираб кўринади ва ҳатто порлаб туради. Ҳар бир шоир ўзидан олдинги шоирни қўллаб-қувватлаши билан биргаликда «инкор» ҳам қилади. Бу шеърхоннинг шеър ҳақдаги, шеърият тўғрисидаги фикрини ўзгартади, тасаввурини бойитади. «Талант, шеър, ижод ноҳақликка исён, адолатсизликка қўзғолон», — дейди Ўлжас Сулаймон.

Л. Хьюз 1902 йил Миссури штатида, Жоплинда туғилди. Отаси оиласини қолдириб, Мексикага жўнаб кетади. Кичкина Хьюз кам даромад онаси ва бувиси билан ҳаёт қийинчиликларини баробар тортди ва тотди... Колумбия дорилфунунига киришга муваффақ бўлди, пул йўқлиги учун давом эттиролмади. Унинг дорилфунунлари — шофёрлик, гулчилик, матрослик, лифтчилик, пойабзалчилик, югурдаклик, ҳаммоллик ва бутун Оврўпо, Ҳиндистон, Африқо бўйлаб саёҳатларидир.

1926 йил Нью-Йоркда ўзининг адабиётдаги биринчи ва йирик қадамини ташлади. У кафеда официант бўлиб ишлар, хизматга кетаётиб, йўлакай газета сотиб олади ва унда АҚШнинг таниқли шоири В. Линди шеърлари ва суратини кўриб қолади. У «Жаз», «Рақс тушаётган занжирлар», «Ҳорғин блюз» сарлавҳали уч шеърини ёзиб тугатганида, кафега Линдининг ўзи кириб қолади, шу атрофда ижодий учрашув белгиланган бўлади. Хьюз ўз шеърларини унинг олдига, столга қўяди... Эрталаб уйғонганда уни шуҳрат, ишхонасида эса кўплаб мухбирлар кутарди. Шу йилнинг ўзида биринчи китоби «Ғамгин блюз»лари изма-из, 1927 йилда иккинчи «Яхши нарсалар — гаровда» номли китоби ўқувчилар қўлига тегади. Ўша пайтлар «Ғамгин блюзлар» деб бемалол китоб чиқариб ётган Л. Хьюзга яна қанақа демократия керак? — деб ҳайрон қолишимиз мумкин. Бироқ бу «бемалолчилик»нинг биз томондан кўриниши, бошқа тарафидан ҳам назар солишга тўғри келади. «Ва мен ҳам зиндонларда, тушкунлик чоҳларида чўкиб бораётган халқимнинг, ирқимнинг орзу-умидлари ҳақда шеърлар ёздим. Қайғуларини шеър қилиб ёздим. Мен кўнгил ғуссаларини куйладим», — дейди у, биринчи жаҳон урушидан кейин демократия ва озодлик ҳақда сохта шиорлар кўтариб олган иккиюзламачи ваъдабозларни, халқаро ёлғончиларни кўриб. Булар бизнинг ҳайронлигимизга жавобдир. «Мен занжирлар учун вагонларни, алоҳида мактабларни кўрдим. Мен учун барча эшиклар берк эди — чунки мен занжирли эдим. Қани, ошхонага жўнаб қол! — дердилар хўжайинлар меҳмонларига манзират қилаётиб. Л. Хьюзни мана шу товуш умр бўйи таъқиб этди. Ҳа, жамиятда тенгсизлик — камситишдир. Шундай жавоб беради Хьюз ва шеърлари. Тенгсизлик — тутқунликдир! Тенгсизлик — норозиликдир.

Шу ерга келганда мен поэзия — гўзал нафратдир, дейман ва бунга Хьюз шеърлари асос бўлади. У тенгсизликдан, камситишдан нафратланди. Гуллаган Американинг бир гулини Хьюз қўйиб кетган бўлса, ажабмас. У томонда ҳам, бошқа томонда ҳам мафкурани ва Адабиётни ўз қолипи ичида кўришни, ўз истагига мансуб урчитишни хоҳловчи зўравонлар бижғиб ётарди, улар Адабиётда подшолик қилишни истардилар ва нафақат адабиётда... Миллий эмас, байналмилал эмас, анъанага ҳурмат йўқ, ғоявий тескари, ғоявий мажҳул деб бақиришиб қоларди минбарлардан. Ўзларининг тутуриқсиз нутқларини сохта шиорлар қилиб атлас варақларга илишарди. Яхшиямки, улар подшомас, йўқса қолипидан чиққан қадамни уриб синдирар эдилар.

Йўлдош ЭШБЕК.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 10 yanvar, shanba № 4 (22.241).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Рассом устахонасида

РАНГЛАР ОЛАМИ

Инсонларга гўзал асар яратиш учун хизмат қиламан,— дейди мухбиримиз билан суҳбатда ёш рассом Комил Жонтоев.

— Комил ака, тасвирий санъатнинг моҳияти нимада?

— Ҳаётимизда тасвирий санъат ҳам барча санъатлар каби инсониятга хизмат қилади. Инсонга маънавий озуқа берибгина қолмасдан, балки инсон тафаккурини ривожлантиради.

Табиатни, борлиқни, гўзаллигу қабиҳликни, хурсандчилигу ғамлик, ҳамма-ҳаммаси рассом ижодида ўз аксини топиши мумкин.

— Сиз таниқли рассомсиз. Ўз ижодингизга қандай муносабатдасиз?

— Ҳар қандай ижодкор, яратувчи ўз кашфиёти ёки яратган асарини ўзи баҳоламайди, уни ўраб турган атроф-муҳит, халқ ва келажак баҳолайди. Агар мен тарихда ўчмас из қолдира оладиган асар яратган бўлсам ёки яратсам, бу муҳлизани меҳнатим маҳсули сифатида Оллоҳ томонидан менга берилган туҳфаси деб биламан.

— Тасвирий санъатда рангларни жойига қўйиш —буюк маҳорат. Шундай эмасмикин?

— Тасвирий санъатда нафақат ранглар, ўша яратилмоқчи бўлган тасвирни яъни, композицияни хомаки чизмалари, (буни касбдошларим «компановка» дейишади) сиз тасвирламоқчи бўлган детални муваффақиятли жойлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айтмоқчиманки, ранг қўйишдан олдинги босқичлар асар пойдеворидир.

Охирги босқич, ранглар ўйини — сиз айтмоқчи бўлган рангларни танлашга ёрдам беради. Ўша буюк маҳорат ана шунда ижро этилиши мумкин.

— Портрет жанрлари устида ижод қилишингиз мени қизиқтириб қолди.

— Кўпроқ улуғ боболаримизни руҳи шод бўлиши ва халқимиз томонидан таклифлар тушиб туришини эътиборга олиб, муаллиф сифатида буюртмачини кўнглига ёқадиган даражада ранг билан жонлантиришга ҳаракат қиламан.

Ҳозирда буюк саркарда Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Ҳамид Олимжон, Отелло, Тўхтамиш ва бошқа улуғ сиймоларнинг портретлари халқимизга манзур бўлганидан мамнунман.

— Эшитишимча, республикамизда яқинда ўтказилган биринчи Марказий Осиё ўйинлари рамзининг, қоларверса, Ўзбекистон футбол федерацияси эмблемаси муаллифи экансиз.

— Аввалам бор, биринчи Марказий Осиё ўйинлари, бизнинг республикамизда ўтказилгани жудаям қувонарли ҳол.

Биринчи Маркази Осиё ўйинлари, «Туркистон умумий уйимиз» шиори остида ўтказилди ва айни бир пайтда Марказий Осиё ўйинлари ташаббускори ҳам бизнинг республикамиз бўлди. Ижодий фаолиятим билан биринчи Марказий Осиё ўйинлари ва футбол федерациямиз рамзини яратишда ўз ҳиссамни қўшганимдан фахрланаман.

СУРАТДА: Комил Жонтоев (чапда) ҳамкасби билан.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ суҳбатлашди.

Спорт

ЭНГ ЯХШИЛАР

БОКС. Андижондаги республика олимпиада ўринбосарлари билим юрти мураббийлари Марс Қўчқоров билан Александр Размахов ўтган йилнинг «Энг яхши мураббийси» номини олишди. Ўзбекистон терма жамоаси боксчилари ҳам мураббий Владимир Шин бошчилигида турли мусобақаларда юқори натижаларга эришиб, Ватанимиз шон-шуҳратини улуғлашга муносиб ҳисса қўшдилар. Шу боисдан ҳам боксчиларимиз «Энг яхши жамоа» деб аталди.

КУРАШ. Эркин кураш бўйича жиззахлик Зоир Азимов жаҳон биринчилигида кумуш медаль соҳиби бўлган эди. Унга «Энг ёш спортчи» номини бериш лозим топилди. Шунингдек, «Энг яхши фахрий спортчи» номи Александр Истоминга насиб этди. У фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб бўлган эди.

Дунё ва адабиёт

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 32021 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0887

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди 20.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

UZBEKISTAN airways

Диққат! «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 13 январдан бошлаб

ТОШКЕНТ — БОКУ —ТОШКЕНТ

йўналиши бўйича инглиз -француз ишлаб чиқаришига мансуб энг замонавий «RJ-85» самолётида доимий парвозларни бошлайди.

Қатнов ҳар сешанба куни амалга оширилади.
Тошкентдан учиш вақти - 14.35
Бокуга келиш вақти - 16.45
Бокудан учиш вақти - 18.45
Тошкентга келиш вақти - 22.30
(Учиш ва келиш-маҳаллий вақт бўйича)

Йўловчиларнинг кўпчилиги Алмати, Ашгабад, Урганч, Нукус авиайўналишларида муваффақиятли фойдаланилаётган янги ўртача олислик самолётининг учиш сифатларига муносиб баҳо беришмоқда. Унинг парвозлари жуғрофияси тобора кенгаймоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси Кавказорти минтақасига чиқмоқда ва дўст халқларни яқинлаштириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Авиакомпания Сизнинг парвозингиз мутлоқ хавфсизлигини ва аъло даражадаги хизматни кафолатлайди.
«Ўзбекистон ҳаво йўллари»: қулайликнинг янги даражасини ҳис этинг!
Чипталарни МАКнинг Ҳаво қатновлари Бош агентлиги кассалари ва филиалларидан сотиб олишингиз мумкин.

Манзилгоҳ: Ў. Посир кўчаси, 9. Телефонлар -066, 56-38-37.

Авиареклама

«ОСИЁ—ВОЛГА» МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан пул ўтказиш йўли билан УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни, шунингдек, қишлоқ хўжалик шиналарини, автошиналарни, автомобилларнинг барча турдаги эҳтиёт қисмларини **СОТАДИ**

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16 а уй, 221-хона
Тел\факс: (3712) 41-52-41, 41-58-51.

АО "УЗМЕТАЛЛСАВДО"
предлагает:

	НАИМЕНОВАНИЕ ПРОДУКЦИИ	ЦЕНА за 1тн (сум)	№ ТЕЛЕФОНОВ
1.	Стальмелкосортная		
	Периодический профиль 12 мм	31000	483064
	Периодический профиль 16 мм	29000	483064
	Круг 16 мм	30000	483064
3.	Сталь инструментальная круг 12-20 мм ст У8А	30200	483064
4.	Балка 30	58300	483064
5.	Жесть черная 0,25х890 в рулонах	90000	483064
6.	Проволока стальная пружинная 0,6-0,8 мм	47000	484707
7.	Заклепки стальные	7200	484707
8.	Титановый прокат	550000	485031
9.	Сетка дорожная	договорная	484707
10.	Трубы чугунно-напорные Д-65 мм	50000	484766
11.	Трубы чугунно-канализационные д.150 мм шт	1710	484766
12.	Сталь крупносортная в том числе		
	уголок 50х50	32000	483064
	уголок 100х100	60500	483064
	уголок 140х140, 160х160	58300	483064
13.	Куртка ватная	договорная	484078 486272

Наш адрес: г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.